

## ИЛМИЙ ҲАЁТ

### ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА

#### ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ



#### 6-БОБ: ТИЛ ЎРГАНИШ ВА ЎҚИТИШ

6-бобда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- ўқувчилар коммуникация вазифалари ва амалий ҳаракатларни бажариш учун зарур кўникмаларни қандай усуллар билан ўзлаштиради ва компетенцияларни қандай ривожлантиради;
- тилларни ўзлаштириш жараёнини осонлаштиришда ўқитувчиларнинг роли қандай;
- замонавий тиллар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда таълим органлари нима қилишлари мумкин.

Бундан олдин эса тилларни ўрганишдан мақсадни яна бир бор кўриб чиқиш керак.

#### **6.1. Тил ўрганиш ва ўқитишнинг мақсад ва вазифалари**

6.1.1 Тилларни ўрганиш ва ўқитиш мақсадлари ўқувчилар ва жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланиши керак. 4 ва 5-бобларда “тилдан самарали фойдаланувчи”ни таърифлаб берувчи билим, кўникма ва қобилиятларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, самарали мулоқот қилиш учун ўқувчилар

- муайян компетенцияларни (5-бобга қаранг);
- компетенцияларни амалиётда қўллаш кўникмасини (4-боб);
- компетенциялардан амалиётда фойдаланиш учун муқобил стратегияларни қўллаш кўникмасини ўзлаштиришлари зарур:

6.1.2 Ўқувчилар эришган натижаларни аниқ тасаввур қилиш ва уларнинг келгусидаги ривожланишини таъминлаш мақсадида ўқувчилар эришган натижаларни даражалар шкаласи кўринишида бериш мақсадга мувофиқдир (4- ва 5-бобларга қаранг). Ҳали ўқувчиларнинг касбий йўналишлари аниқланмаган ўқитишнинг илк босқичларида ҳамда тил билишга умумий баҳо бериш зарур бўлган ҳолатларда билиш даражасининг ягона жамланган характеристикасидан фойдаланган маъқулроқ (3-бобдаги 1-жадвалга қаранг).

3-бобда, шунингдек, ўқувчилар ўз-ўзини баҳолаши учун жадвал ҳам берилган (2-жадвал). Нутқий фаолият бўйича янада батафсил шкалалар 4 ва 5-

бобларда келтирилган. Коммуникацияга оид вазиятларнинг барча турларида самарали иштирок этиш учун мазкур бобларда санаб ўтилган барча кўникмаларни эгаллаш зарур. Аммо барча ўқувчиларда ҳам она тилидан бошқа тилдаги ушбу кўникмаларни тўлиқ эгаллашга хоҳиш ҳам, зарурат ҳам бўлмайди. Масалан, айрим ўқувчилар ўз фаолиятларидан келиб чиқиб, кўпроқ ёзма матнлар билан ишлашса, бошқаларига ёзма нутқни эгаллашга умуман зарурат бўлмайди. Аммо бундан ушбу ўқувчилар тил ўрганишни фақат оғзаки ёки фақат ёзма нутқ билан чеклашлари керак, деган хулоса келиб чиқмайди.

### **6.1.3 Кўп тилли ва кўп маданиятли компетенция**

“Компетенциялар”да нафақат коммуникация кўникмалари даражасининг умумий шкаласи, балки уларнинг таркибий қисмлари ҳам берилган. Ўз навбатида, ушбу таркибий қисмлар ҳам даражаларга бўлинади. Бу эса, ўқувчининг кўп тилли ва кўп маданиятли компетенциясини кўриб чиқишда жуда муҳимдир.

#### **6.1.3.1 Компетенцияларнинг бир хил эмаслиги ва ҳаракатчанлиги**

Кўп тилли ва кўп маданиятли компетенция бир хил бўлмайди ва у кўйидагиларни англатади:

- битта тилни бошқаларига нисбатан мукамалроқ билиш;
- турли тилларда мулоқот компетенцияларининг ҳар хил даражада бўлиши (масалан, иккита тилда жуда яхши оғзаки мулоқот қила олиш, аммо улардан фақат биттасида ёзма нутқнинг яхши ўзлаштирилганлиги);
- кўп маданиятли ва кўп тилли компетенцияларнинг турли даражада эканлиги (масалан, бирор мамлакатнинг маданиятини яхши билган ҳолда тилини суст ўзлаштириш ёки аксинча, тилни яхши билган ҳолда маданиятидан кўп ҳам хабардор бўлмаслик).

Инсон ҳатто ўз она тили ва маданияти доирасида ҳам шева ва диалектлар, жамиятнинг маданий хилма-хилликларига дуч келишини эътиборга оладиган бўлсак, юқорида қайд этилган номувофиклик табиий эканлиги намоён бўлади.

#### **6.1.3.2 Дифференцияланган компетенция ва бир тилдан бошқасига ўтиш**

Юқорида санаб ўтилган номувофикликлар боис кўп тилли ва кўп маданиятли компетенциялар индивид ўзининг умумий компетенцияларини, тилга оид кўникма ва билимларини турлича қўллаши мумкинлиги билан характерланади (4- ва 5-бобларга қаранг). Масалан, тилдан келиб чиқиб, у ёки бу вазифани бажаришда қўлланиладиган стратегиялар ўзгариб туриши мумкин. Масалан, тилнинг лингвистик таркибини яхши ўзлаштирамаган киши шу тил вакили билан суҳбат жараёнида ўзининг экзистенциал компетенциясидан фаол фойдаланиши мумкин (қўл ҳаракатлари, имо-ишоралар ёрдамида ўзининг очиқлигини, дўстона муносабатини кўрсатиш учун). Аксинча, ўзи анчагина эркин сўзлаша оладиган тилда у ўзини бир қадар босиқ тутиши мумкин.

### **6.1.3.3 “Тилни ҳис этиш”нинг ривожлантирилиши ҳамда тилни ўрганиш ва қўллаш жараёни**

Кўп тилли ва кўп маданиятли компетенция:

- мавжуд бўлган ижтимоий-лингвистик ва прагматик компетенцияларни ишлатади ва ривожлантиради;
- турли тилларнинг лингвистик тузилишида ўхшаш ва фарқли бўлган жиҳатларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради;
- таълим услублари ва жараёнини тушунишни, шунингдек янги вазиятларда мулоқотга киришиш ва ҳаракат қилиш қобилиятини такомиллаштиради.

Шу маънода, ўқувчиларда тиллар хилма-хиллигига ҳурматни ва мактабда бир нечта чет тилларини ўрганишга интилишни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Асосий мақсад эса:

- ўсиб келаётган авлодда бошқа тиллар ва маданиятлар билан танишиш орқали муайян тил ва маданиятга мансублик ҳиссини шакллантиришдан;
- ўсиб келаётган авлодда бошқа тиллар ва маданиятларни ўрганиш орқали ўқиш кўникмасини ривожлантиришдан иборатдир.

### **6.1.3.4. Кўп тилли ва кўп маданиятли компетенцияларга нисбатан қўллашда компетенциялар асимметрияси**

Компетенциялар асимметрияси тушунчаси ўқувчининг чекланган, яъни тилни охиригача ўрганмай, билимларини оширишга интилмаслигини англатмайди. Бу ўринда асимметрик компетенцияга кўп тилли компетенциянинг таркибий қисми, уни такомиллаштириш йўлидаги навбатдаги қадам сифатида қараш керак.

Асимметрик компетенция, масалан, нутқий фаолиятнинг фақат рецептив турларини эгаллашни; мулоқотнинг муайян вазиятида ўзига хос вазифани бажаришни назарда тутиши мумкин. Зарур компетенцияларнинг бирор-бир жиҳатлари ривожланишига хизмат қилганда, умумий компетенциялар ҳақида ҳам сўз бориши мумкин. Бошқача айтганда, мазкур ҳужжатда асимметрик компетенция 3-бобда келтирилган моделнинг таркибий қисмларига ва таълимнинг турли мақсадларига нисбатан қўланилиш нуктаи назаридан кўриб чиқилган.

### **6.1.4 Таълим мақсадларига турлича ёндашувлар**

Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишда муаллифлар чет тили бўйича ўқув дастурини яратиш мақсадларнинг ҳар хил турлари ва даражалари ўртасидаги танловни назарда тутишдан келиб чиқишган. “Компетенциялар”да берилган ҳар бир категория ўқишнинг мақсади сифатида қаралиши ва мазкур монографияга мурожаат қилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

#### **6.1.4.1 Таълим мақсадларига ёндашувлар:**

а) мақсад сифатида ўқувчиларнинг умумий компетенцияларини (5.1 га қаранг): декларатив билимлар, кўникмалар, шахсий характеристикаларни

ривожлантириш назарда тутилади. Бундай мақсадга эришиш умумий ўқув жараёнининг бир қисми сифатида қаралаши мумкин;

б) мақсад сифатида ўз ичига лингвистик, прагматик ва ижтимоий лингвистик компетенцияларни олган коммуникатив тил компетенциясини кенгайтириш қаралиши мумкин (5.2 га қаранг). Тўғри, таълим барча учта таркибий қисмларни уйғун ҳолда бўлишига йўналтирилиши керак, аммо амалда аксарият ҳолларда диққат бошқаларини эътибордан четга қолдирмаган ҳолда биттасига қаратилади;

в) мақсад сифатида нутқий фаолиятнинг турларини: идрок этиш (ўқиш, тингаб тушуниш), яратиш, интеракция, медиация (оғзаки ва ёзма таржима) қараб чиқиш ҳам мумкин. Яна бир қарра қайд этиш керакки, фаолиятнинг барча турлари ўзаро боғлиқликда ривожланиши керак, шу билан бирга, бирор-бир турга алоҳида эътибор қаратилиши мумкин.

“Компетенциялар асимметрияси” тушунчаси нутқий фаолиятнинг муайян тури устида кўпроқ ишлашни назарда тутди (масалан, рецептив кўникмаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш). Аммо бу ўринда ушбу тушунча кенгроқ маънода тушунилади ва қуйидагиларни англатади:

- ўқитишнинг барча мақсадлари йиғиндиси орасидан компетенциялар асимметрияси тушунчаси билан боғлиқ бўлганларини ажратиб олиш имконияти;

- асимметрик компетенциялардан исталган бирини коммуникация ва ўқув компетенцияларининг нисбатан умумий бўлган тизимига киритиш имконияти.

г) мақсад сифатида мулоқотнинг маълум бир умумий соҳасида (4.1.1 га қаранг): ижтимоий, касбий, таълимий ёки шахсий соҳалардан бирида оптимал фаолият юритиш тушунилади. Бу ҳолатда чет тилини ўрганиш шахснинг бошқа мамлакатда ишлаши, ўқиш ёки кундалик ҳаётида ёрдам бериши мумкинлиги назарда тутилади;

д) ниҳоят, мақсад сифатида битта ёки иккита чет тилини ва бошқа маданиятларни ўрганишни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган аниқ вазифаларни бажариш, стратегияларни такомиллаштириш ёки ривожлантириш қаралиши мумкин (4.5 бўлимга ва 7 бобга қаранг).

Таълимнинг муайян босқичида эътиборни ўқувчиларга у ёки бу вазифани бажаришга ёрдам берадиган стратегияларни ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида, ўқувчилар томонидан анъанавий тарзда қўлланиладиган стратегияларни такомиллаштириш, уларни кенгайтириш ва мукамаллаштириш, улардан илгари вазифаларни бажариш жараёнида қўлланилмаган соҳаларда фойдаланиш мақсадга айланади.

#### **6.1.4.2 Қўшимча асимметрик мақсадлар**

Эталон моделнинг асосий таркибий қисмлари нуқтаи назаридан тилни ўқитиш/ўрганишнинг мақсадларини белгилаш шунчаки стилистик машқ эмас. Табиийки, таълимнинг кўплаб шакллари, мактаб ва мактабдан ташқари таълим бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифани бажаради.

Масалан, тахмин қиладиган бўлсак, тил ўрганишнинг вазифаси, асосан, муайян бир соҳа билан боғлиқ ҳамда фаолиятнинг аниқ бир йўналишига қўйиладиган талабларга қаратилган бўлса (масалан, ресторанда официантнинг ишига), мазкур мақсадга эришиш учун асосий эътибор нутқий фаолиятни ривожлантиришга, мавзуга оид лексикани (масалан, таомларнинг тавсифини), муайян ижтимоий лингвистик меъёрларни (масалан, анъанавий мурожаат шакллари), шунингдек, миллий ошхона анъаналарини ўрганишга қаратилади. Мазкур мисол “асимметрик компетенция” деб номланган тушунчани тасвирлаб беради (6.1.3.1 га қаранг).

## 6.2 Тил ўрганиш жараёнлари

### 6.2.1 Атамашуносликнинг айрим масалалари

Бугунги кунда “тилни билиш” ва “тилни ўрганиш” атамалари ёки бир-бирининг ўрнини босадиган тушунчалар сифатида қаралади ёки тегишли равишда нисбатан торроқ ёхуд кенгроқ тушунчаларни билдириш учун қўлланилади. Жумладан, “тил билиш” атамаси умумий тушунча ёки қуйидагиларни билдириш учун қўлланилиши мумкин:

а) шу тил вакили бўлмаган шахсларнинг тилдан фойдаланилишини. Бу маънода мазкур атама универсал грамматикага оид замонавий назарияларда мавжуд;

б) ўқитувчи ёрдамсиз, бевосита матнлар билан танишиш ёки мулоқотда бўлиш натижасида чет тилини билиш ва уни қўллай олиш кўникмасини билдириш учун.

“Тил ўрганиш” атамаси ўз навбатида, ҳам кенг маънода тилга оид билим ва кўникмаларни ривожлантириш бўйича ташкил этилган ўқув жараёнини, хусусан, таълим муассасаси доирасидаги жараённи билдириш учун қўлланилади.

“Компетенциялар”дан фойдаланувчиларга улар ушбу атамаларни қайси маънода қўллашларини таҳлил қилиш ҳамда замонавий амалиётга мос келмайдиган маъноларда ишлатмаслик тавсия этилади.

*Қуйидаги саволни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:*

*• тилни эгаллаш учун зарур бўлган шароитларни қандай усуллар билан таъминлаш ва қўллаш мумкин (б-бандга қаранг)?*

### 6.2.2 Ўқувчилар қандай ўқишади?

6.2.2.1 Бугунги кунда тил ўрганишнинг асосида қандай механизмлар ётиши борасида ягона фикр мавжуд эмас. Айрим олимлар тилни эгаллаш учун инсонга хос бўлган маълумотларни қайта ишлаш қобилиятининг ўзи етарли ҳисобланади, деган фикрдалар. Уларнинг фикрича, “тил ўрганиш” жараёнини таҳлил қилиш, унга ўқитувчи ёки ўқувчи томонидан онгли равишда таъсир ўтказиш мумкин эмас. Шу боис, ўқитувчининг асосий вазифаси таълимнинг

расмий услубларидан фойдаланмаган ҳолда табиий тил муҳитини яратишдан иборатдир.

6.2.2.2 Бошқа мутахассислар тил ўрганишнинг зарур ва етарли шarti сифатида ўқувчиларнинг мулоқот жараёнида фаол иштирок этишларини қайд этишади ва тил механизмларини онгли равишда ўрганишга ишонишмайди. Ниҳоят, мутлақо қарама-қарши фикр: ўқувчи грамматиканинг муайян қоидаларини, сўзлар ва жумлаларни ёдлаб олса кифоя, у мавжуд ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб чет тилини тушунади ва уни қўллаш олади.

Аммо амалда аксарият ўқитувчилар ва ўқувчилар турли ёндашувларни уйғун тарзда олиб борадилар. Мазкур усул тарафдорлари ўқувчилар ҳар доим ҳам ўқитувчи ўргатган нарсани ўзлаштириб ололмастикларини яхши тушунишади. Агар тилни онгли равишда ўрганиш амалиёт билан қўшиб олиб борилса, яхши самара беради.

6.2.2.3 Ўқувчиларнинг таълимнинг у ёки бу усулини қабул қилишлари кўп жиҳатдан уларнинг ёшига, шахсий хусусиятларига, билим даражасига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, ўқитувчилар ва ўқув дастурлари тузувчилари муайян ёндашувни танлашда нутқий фаолият у ёки бу турининг аҳамияти борасидаги ўз қарашларидан келиб чиқишади.

*Қуйидаги саволни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:*

• *Сиз қўллаётган ўқитиш методикаси қандай қоидаларга асосланган?*

### **6.3 “Компетенция”лардан фойдаланувчи тил ўрганишни осонлаштириш учун нима қилиши мумкин?**

Ўқув жараёнига унинг бевосита иштирокчилари ҳисобланган ўқитувчилар ва ўқувчилардан ташқари бошқа кўплаб мутахассислар ҳам жалб этилади. Мазкур бўлимда тил ўрганиш жараёни ҳар бир иштирокчисининг роли кўриб чиқилади.

6.3.1 Тил ўрганувчиларни имтиҳон қилиш ва уларнинг малакаси учун жавоб берадиган шахслар бунинг учун зарур бўладиган параметрлар ва тил билиш даражасини аниқлашлари зарур.

6.3.2 Ўқув дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш учун масъул бўлган шахслар таълим мақсадларини аниқлаштиришлари мумкин. Таълимнинг нисбатан юқори даражаси мақсадлари аниқлаштирилади (машқлар, топшириқлар, мавзулар ва компетенциялар нуқтаи назаридан).

6.3.3 Дарсликлар муаллифлари ва ўқув қўлланмаларининг тузувчилари гарчи бунга мажбур бўлмасалар ҳам, таълим мақсадларини ўқувчилар бажаришлари керак бўлган аниқ топшириқлар тарзида шакллантиришлари мумкин. Уларнинг вазифаси матнларни, фаолият турларини, лексик ва грамматик материални диққат билан танлашдан иборатдир.

6.3.4 Ўқитувчилик фаолияти услубий кўрсатма, дарслик ва бошқа ўқув материалларидан фойдаланишни назарда тутати (уларни ўқитувчи ҳар доим ҳам мустақил равишда танлолмайди, бекор қилолмайди, баҳолай олмайди,

тўлдиролмайди). Ўқитувчиларнинг машғулот/дарс жараёнида тезкорлик билан аниқ қарорлар қабул қилишларига тўғри келади.

Бундан ташқари, улар ўқувчиларнинг индивидуал сифатларини шакллантириб боришлари керак.

6.3.5 Ниҳоят, ўқув жараёнининг бош қаҳрамони ўқувчи ҳисобланади. Айнан ўқувчи мулоқот жараёнида самарали иштирок этиш учун зарур бўладиган вазифа ва топшириқ турларини бажариш учун компетенция ва стратегияларни ривожлантириши керак. Аммо барча ўқувчилар ҳам ўқув жараёнини режалаштириш, ташкил этиш ва амалга оширишда ташаббускорлик билан фаол иштирок этишмайди. Уларнинг кўпчилиги фақат ўқитувчиларнинг ва ўқув қўлланмаларида берилган топшириқларни бажариш билан чекланишади. Аммо ўқувчиларда мустақил равишда ўқиш ва ўрганиш кўникмаси ҳам шакллантирилиши керак.

## **6.4 Чет тилларини ўрганиш ва ўқитиш услубининг айрим масалалари**

Аввалги боб ва бўлимларда биз тил ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш учун алоҳида таркибий қисмларнинг аҳамиятига эътибор қаратган ҳолда тилдан фойдаланиш ва тилдан фойдаланувчи моделини яратдик. Улар 6.1 ва 6.2 бўлимларида қисқача баён этилган.

Таъкидлаш керакки, мазкур бобда ҳам бошқа боблардаги мезонлар қўлланилган. Тил ўрганиш/тил ўргатиш методологиясини кўриб чиқишга ёндашув кенг қамровли, эҳтимолли усулларни аниқ ва яққол тавсифловчи, тарғибот ва догматизмдан ҳоли бўлиши керак. Европа Кенгашининг асосий методологик принципига кўра тил ўрганиш/тил ўргатиш жараёнида мақсадларга эришиш учун энг самарали бўлган, муайян ижтимоий контекстда ўқувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган услублардан фойдаланиш шарт.

Бугунги кунда тил ўрганиш ва ўргатишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Узоқ йиллар давомида Европа Кенгаши ўқувчининг мулоқот эҳтиёжларига жавоб берадиган, ҳамда уларнинг индивидуал характеристикаларига мос келадиган восита ва услублардан фойдаланишни маъқуллаб келган. Шахсий билим ва тажрибалар асосида мазкур Хужжатда тавсия этилган тил ўргатиш моделига қўшимчалар киритиш мумкин.

### **6.4.1 Умумий ёндашувлар**

Иккинчи ёки чет тилини ўрганишнинг умумий ёндашувлари ёки услублари қуйидагиларга боғлиқ бўлиши мумкин:

а) қуйидаги жараёнларда аутентик намуналарга бевосита муурожаат қилиш:

- тил вакиллари билан мулоқот;
- тил вакиллари иштирокидаги суҳбатда қатнашиш;
- радиоёшиттириш ва аудиоёзувларни тинглаш;
- телекўрсатув ва видеоёзувларни томоша қилиш;

- мослаштирилмаган аутентик матнларни (газета ва журналларни, пештахталарни, эълонларни) ўқиш;
- компьютер дастурларидан, CD ва бошқалардан фойдаланиш;
- on- ва off-line режимида компьютер конференцияларида иштирок этиш;
- ўрганилаётган чет тилда ўқитиладиган курслар билан танишиш;
- б) чет тилидаги махсус танланган оғзаки ва ёзма матнларга бевосита муурожаат қилиш;
- в) тил вакили билан мулоқотда бевосита иштирок этиш;
- г) чет тилида махсус тузилган вазифаларни бажаришда бевосита иштирок этиш;
- д) мақсадларни ўқитувчи билан келишган ҳолда мустақил равишда қулай таълим воситаларидан фойдаланиб шуғулланиш;
- е) чет тилида турли чиқишлар, тушунтиришлар тайёрлаш, машқларни бажариш, турли нутқий фаолиятни амалга ошириш;
- ж) нутқий фаолиятнинг ҳар хил турларини она тилидан фойдаланган ҳолда уйғунликда олиб бориш;
- з) юқорида санаб ўтилган барча усулларнинг уйғунлигини таъминлаш;
- ж) банддан бошлаб она тилидан фойдаланишни аста-секин қисқартириб бориш;
- и) юқорида санаб ўтилган барча ёндашувларни гуруҳда ва якка режалаштириш, бажариш ва баҳолаш, ҳамда ўқувчининг турли эҳтиёжларини кондириш учун зарур бўлган диалог билан уйғунлаштириш.

*Юқорида санаб ўтилган ёндашувлар орасидан ўзингиз қўллайдиганларингизни танлаб олиш тавсия қилинади.*

#### **6.4.2 Ўқитувчи, ўқувчи ва ўқитиш воситаларининг ролига эътибор қаратиш зарур**

*6.4.2.1 Машгулот жараёнида қуйидагиларга турлича вақт ажратилади:*

- а) ўқитувчининг тушунтиришларига, бутун гуруҳга янги материални баён этиб беришга;
- б) саволлар ва жавобларга;
- в) гуруҳда ва жуфтликда ишлашга;
- г) ўқувчиларнинг якка тартибда ишлашига.

*6.4.2.2 Ўқитувчиларуларнинг муносабати ва ваколатини кўрсатувчи хатти-ҳаракатлар тилларни ўрганиш/тилларни ўзлаштириш учун муҳим шартлардан бири эканини унутмасликлари керак. Ўқитувчиларнинг хатти-ҳаракатлари келгусида ўқувчилар эргашиши мумкин бўлган намуна вазифасини ўтайди.*

Қуйидагилар таълим жараёнида қандай рол ўйнайди:

- а) ўқитиш маҳорати?
- б) синфда ишни ташкил этиш маҳорати?



в) фаолиятда илмий тадқиқотлардан фойдаланиш, тўпланган тажрибани таҳлил қилиш маҳорати?

г) ўқитиш услуги?

д) тест ўтказиш ва баҳолаш услубларини эгаллаганлик?

е) ижтимоий маданий фонли билимлар, уларни ўқувчиоларга етказиш кўникмаси?

ж) маданиятлараро компетенция?

з) ўқувчиларда адабиётни англаш ва унга ахлоқий жиҳатдан ёдошиш кўникмаларини шакллантириш?

и) ўқувчиларга якка тартибда ёндашиш кўникмаси, уларнинг шахсий характерлари ва қобилиятларини эътиборга олиш?

Юқорида санаб ўтилган кўникмаларни қандай усуллар билан ривожлантириш мумкин? Жуфтликда ёки гуруҳда ишлаш жараёнида ўқитувчи ўзини қандай тутиши керак?

а) шунчаки ўқувчиларни кузатиб, тартибни сақлаб туриши керакми?

б) якка тартибда тавсиялар бериши керакми?

в) ишга раҳбарлик қилиши, тавсиялар бериши ҳамда таълим жараёнини кузатиб бориши, ўқувчиларнинг фикрларини тинглаши, уларни эътиборга олиши, ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириши керакми?

#### **6.4.2.3 Ўқувчилар қандай ишлашлари керак?**

а) ўқитувчининг топшириқларини сўзсиз ва интизомли тарзда бажаришлари, фақат ўқитувчи рухсат берсагина гапиришлари керакми?

б) ўқитувчи ва бошқа ўқувчилар билан ҳамкорлик қилган ҳолда таълим жараёнида фаол иштирок этиши керакми?

в) материаллар билан мустақил ишлаши ва ўз ишини мустақил равишда баҳолаши керакми?

г) ўқишда бир-бирлари билан мусобақалаштиришлари керакми?

**6.4.2.4 Таълимнинг техник воситалари** (аудио, видео жиҳозлар, компьютер ва бошқалар)дан қандай фойдаланиш керак?

а) фойдаланмаслик керак;

б) бутун синфга янги материални намойиш этиш, такрорлаш учун;

в) лингофон (видео) ва компьютер синфларидаги машғулотларда;

г) ўқувчиларнинг якка тартибдаги мустақил ишларида;

д) гуруҳда ишлаш учун асос сифатида (мунозаралар, ўйинлар ва бошқалар);

е) мактаблар, синфлар алоҳида олинган ўқувчилар ўртасида маълумот алмашишнинг халқаро компьютер тармоғи қисми сифатида.

*Куйидаги саволларни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:*

*• Ўқув жараёнини ташкил қилиш, ўтказиш ва унинг натижаларини баҳолашда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг вазифа ва мажбуриятлари қандай нисбатда бўлади?*

• *Ўқитишнинг техник воситаларидан қандай фойдаланилади?*

**6.4.3 Тилларни ўрганиш ва ўқитишда мантларнинг ўрни**

6.4.3.1 Оғзаки ва ёзма матнлар билан ишлашнинг қуйидаги шакллари ёрдамида қандай натижаларга эришиш мумкин(4.6 га қаранг):

- а) ўқувчини матн билан оддий таништириш;
- б) оддий таништириш, аммо матнлар ўқувчиларнинг янги материални тасвирлар ва контекст асосида тушуниб олишига қулай тарзда танланган;
- в) тушунишни назорат қилган ҳолда таништириш (ўрганилаётган тилда саволларга жавоблар, тўғри жавоб вариантини танлаш, расмлар асосида ҳикоя тузиш ва бошқалар);
- г) қуйидагилар билан уйғунликда в) га қаранг:
  - тушунишга йўналтирилган матнлар (она тилида);
  - она тилида тушунтиришлар билан;
  - ўрганилаётган тилдаги тушунтиришлар билан (зарурат бўлса, она тилига таржимаси билан);
  - матнни она тилига тизимли таржима қилиш;
  - турли машқлар билан.

**6.4.3.2 Матнларни танлашга эҳтимоллий ёндашувлар:**

- а) аутентик матнлар ишлатилади, масалан:
  - кундалик ҳаётда учрайдиган мослаштирилмаган матнлар (газета ва журналлар, эълонлар);
  - ўқувчиларнинг билим, қизиқиш ва шахсий характерларини ҳисобга олган ҳолда махсус ишлаб чиқилган ва мослаштирилган аутентик матнлар.
- б) махсус тузилган матнлар ишлатилади, масалан:
  - аутентик матнларга имкон қадар яқинлаштирилган махсус тузилган матнлар, масалан, актёрлар томонидан ёзилган аудио матнлар;
  - тилга оид материалнинг контекстуал қўлланилишини тасвирловчи матнлар (масалан, дарс матни);
  - фонетик, грамматик ва бошқа ҳодисаларни ишлатишга йўналтирилган алоҳида гаплар;
  - дарсликлар ва матнлардаги махсус турдаги матнлар сифатида қаралиши мумкин бўлган йўриқномалар, тушунтиришлар, топшириқлар, ўқитувчининг луқмалари.

**6.4.3.3**

Матнлар билан ишлаш ҳам уларга ишлов беришни, ҳам янги матнлар яратишин назарда тутати. Матнлар қуйидагиларга бўлинади:

- а) оғзаки матнлар:
  - овоз чиқариб ўқиладиган ёзма матнлар;
  - саволларга жавоб қайтариш;
  - ёдланган матнларни айтиб бериш (пьесалар, шеърлар ва бошқалар);

- жуфт бўлиб, гуруҳларда ишлаш;
  - расмий ва норасмий мунозараларда иштирок этиш;
  - эркин мавзуда суҳбат;
  - турли мавзуларда чиқишлар қилиш.
- б) ёзма матнлар:
- айтиб туриб ёзиш;
  - ёзма машқлар;
  - иншолар;
  - таржималар;
  - ёзма хабар ва маърузалар;
  - лойиҳаларда иштирок этиш;
  - дўстлар билан ёзишмалар;
  - факс, электрон почта орқали жўнатиш учун хабарлар.

#### 6.4.3.4 Матнлар билан ишлаш

Матнларнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш ҳамда сўзлаш, ўқиш, нутқ ва ёзувнинг тегишли усуллари эгаллашда ўқувчи яқка тартибда ёки гуруҳда шуғулланаётганда унга идрок этиш, яратиш ва интеракция борасида қандай ёрдам кўрсатиш мумкин?

*Қуйидаги саволни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:*

• сизнинг ўқиш/педагогик фаолиятингизда оғзаки ва ёзма матнларга қандай рол ажратилган, масалан:

• матнларни танлаш, мослаштириш ёки тузишнинг, уларни ўқувчиларга тақдим этишнинг принциплари қандай?

• матнлар мураккаблик даражасига қараб тақсимланадими; (а) ўқувчиларнинг матнларнинг ҳар хил турларини англаш, матннинг турига ва қўйилган вазифага қараб сўзлаш ва ўқиш усулларидан самарали фойдаланиш кўникмалари назарда тутилганми; (б) бу жараёнда уларга ўқитувчи ёрдам кўрсатадими?

6.4.4 Ўқувчилар турли топшириқларни бажаришда ҳамда фаолият турларида иштирок этиб қандай билим ва кўникмаларни эгаллашлари мумкин (4.3.4.4 га қаранг)?

а) ташкиллаштирилмаган, беихтиёр юзага келган фаолият турларида иштирок этиб;

б) аниқ мақсад кўзланган, иштирокчиларнинг вазифалари тақсимланган, натижалари режалаштирилган фаолият турларида қатнашиб;

в) нафақат топшириқларни бажаришда, балки олдиндан режалаштиришда, шунингдек, яқунда натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолашда иштирок этиб;

г) худди в банддаги каби, фақат мақсадларни, топшириқларнинг характерини ва иштирокчиларнинг вазифаларини англаган ҳолда.

6.4.5 Ўқувчида коммуникатив стратегияни қўллаш кўникмасини ривожлантиришнинг эҳтимолий ёндошувлари (4.4 га қаранг):

а) ўқувчининг ўзи коммуникатив стратегияни қўллаш кўникмасини она тилидан чет тилига кўчириб ўтказа олади;

б) махсус ўқув вазиятларини яратган ҳолда ўқувчига ёрлам бериш керак (масалан, ролли ўйинлар ташкил қилиб);

в) худди б банддаги ёндашув каби, фақат ўқувчининг фаолияти батафсил таҳлил қилиниши керак.

*Куйидаги саволни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:*

• *Сизнинг ўқув жараёнингизда фаолиятнинг ҳар хил турларига, вазифалар ва стратегияларга қандай ўрин ажратилган?*

### **6.4.6 Умумий компетенцияни ривожлантириш (5.1 га қаранг)**

6.4.6.1 Янги тилни ўрганишни бошлаган пайти шахсда дунё ҳақида муайян тасаввур ва билимлар йиғиндиси мавжуд бўлади. Аммо тил ўрганиш деганда, фақатгина шу пайтгача маълум бўлган тушунчаларни акс эттириш учун янги сўзларни ўрганишни тушунмаслик керак. Биринчи галда, тил ўрганиш дўнё ҳақида мутлақо янги билимларни ўзлаштиришни назарда тутадими, деган саволга жавоб бериш лозим. Агар бу саволнинг жавоби ижобий бўлса, ҳам ўқитувчилар, ҳам ўқувчилар олдида икки томонлама вазифа кўндаланг бўлади.

Агар таълим она тилида олиб борилмаса, ўқувчи учун фаннинг мазмуни ҳам, ўқитиш тили ҳам янгилик бўлади. Шу пайтга қадар ўқувчиларда дунё ҳақида наиқ тасаввурларни шакллантирувчи дарсликларни яратишга уринишлар бўлган (масалан, Амос Коменскийнинг “Маълум нарсалар олами расмларда” китоби).

6.4.6.2 Ижтимоий-маданий билимлар ҳамда маданиятлараро мулоқот кўникмасини ривожлантириш борасидаги вазият бир қадар бошқачароқ. Бир томондан, Европа маданиятлари ўртасида умумийлик кўп. Бошқа томондан эса, ҳам айрим давлатлар, ҳам ҳудудлар, синфлар, этник гуруҳлар ва бошқалар ўртасида ҳам фарқ мавжуд. Ўқувчиларни тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан таништиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунда шу халқ фольклорига, урф-одат ва анъаналарига оид расмлар, кўргазмали воситалардан фойдаланиш мумкин.

6.4.6.3 Умумий компетенциялар турли усуллар билан ривожлантирилади:

а) ўқувчи уларга эга бўлади ёки уларни ривожлантириш мумкин (масалан, фанларни она тилида ўқиш йўли билан);

б) беихтиёр ёки қийинчиликлар юзага келганда;

в) билимларнинг янги соҳалари ёки қисмларини акс эттирувчи матнларни танлаш ёки яратиш йўли билан;

- г) мамлакатшунослик йўналишидаги махсус адабиётлар ёки ўқув кўлланмалари ёрдамида (*она тилида; ўрганилаётган тилда*);
- д) маданиятлараро мулоқот жараёнида;
- е) ролли ўйинлар ва имитациялар ёрдамида;
- ж) ўрганилаётган тилда ўқитиладиган бошқа фанларни ўрганиш йўли билан;
- з) ўрганилаётган тил вакиллари билан мулоқот ва аутентик матнларни ўрганиш асосида.

6.4.6.4 Ўқувчининг экзистенциал компетенциясини, индивидуал хусусиятларини, мотивларини, қадриятлари тизимини, маслагини:

- а) ўқувчининг шахсий иши сифатида эътиборга олмаслик;
- б) ўқув жараёнини режалаштириш ва бошқаришда эътиборга олиш;
- в) мақсад сифатида таълим дастурига киритиш.

*Қуйидаги саволларни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:*

• *Сиз умумий компетенцияларни ривожлантириш учун қандай усуллардан (юқорида санаб ўтилганларни ҳам ҳисобга олганда) фойдаланасиз?*

• *Агар амалий кўникмалар билан боғлиқ қуйидаги жараёнлар содир бўлса, қандай фарқлар юзага келади: а) ўқувчилар билан мавзу кўринишида муҳокама этилса, б) машқларда тестдан ўтказилса, в) чет тилдаги изоҳларга эга ҳаракатлар билан намойиш этилса, д) чет тилида ўқитилса?*

6.4.6.5 Ўқиш кўникмасини ривожлантиришнинг эҳтимолий ёндашувлари. Ўқувчилар қуйидаги усуллар билан ўзларининг билим ва эвристик кўникмаларини, шунингдек ўзининг билим олиши учун масъулият ҳиссини такомиллаштиришлари мумкин (ёки зарур):

- а) бирор-бир махсус режа ёки тайёргарликсиз таълим олиш натижасида;
- б) босқичма-босқич таълим учун масъулиятни ўқитувчи зиммасидан ўқувчига ўтказиш орқали;
- в) ўқувчиларда ўзлари иштирок этаётган таълим жараёнини англаб етиш даражасини доимий равишда ошира бориб;
- г) ўқувчиларни таълимнинг турли усулларини санаб кўриш жараёнида иштирок этишга жалб этиб;
- д) ўқувчиларда ўзларининг билиш қобилиятларини англаш ва индивидуал стратегияларини ривожлантиришга интилишни уйғотиш йўли билан.

*Ўқувчиларда масъулият ва мустақиллик туйғуларини шакллантиришга йўналтирилган қадамларни таҳлил қилиш тавсия этилади.*